

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART


Нигматова Лолахон Хамидовна

Филология фанлари номзоди.

Бухоро давлат университети доценти

nigmatovalolaxon@gmail.com

ЖАҲОН ЎҚУВ ЛУҒАТЧИЛИГИДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИ ИФОДАСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-43>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жаҳон ўқув луғатларида тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар муаммоси назарга олган. Тил оғзаки ва ёзма нутқ кўринишида халқ маданий, маънавий бойликларини лексикаси, фразеологияси, грамматикаси, бадиий адабиёт намуналарини тўплайди, сақлайди ва кейинги авлодга етказиб беради. Тилни, хусусан, она тилини ўрганиш жараёнида ўқувчи авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бой маданий мерос, маънавий қадриятларни ҳам ўзлаштириб боради. Бу жараёнда дарсликлар билан бирга турли мактаб луғатлари, ахборот банклари, лексик минимумларнинг роли муҳим. Ўқув луғатининг асосида таълимий мақсад ётиши, яратилган илк луғатлар – антик мактаб қўлланмалари бўлганлиги, ўқув мақсадида яратилгани, кейинчалик луғатлар ўқув адабиёти, дарсликдан узоклашиб алоҳида жанрга айлангани тадқиқотларда илмий асослаб берилди.

Таянч сўзлар: луғат, ўзбек тили, коммуникатив хусусиятлар, тил, маданият, муштараклик, луғатчилик

Nigmatova Lolahon Hamidovna.

Candidate of Philological Sciences.

Associate Professor of Bukhara State University.

nigmatovalolaxon@gmail.com

EXPRESSION OF LANGUAGE AND CULTURAL COMMONWEALTH IN WORLD EDUCATIONAL DICTIONARY

ABSTRACT

The article addresses the issue of the relationship between language and culture in world educational dictionaries. Language in the form of oral and written speech collects, preserves and transmits to the next generation samples of lexicon, phraseology, grammar, fiction of the people's cultural and spiritual riches. In the process of learning the language, especially the mother tongue, the student learns the rich cultural heritage and spiritual values that are passed down from generation to generation. Along with textbooks, the role of various school dictionaries, information banks, lexical minimums is important in this process. It was scientifically substantiated that the educational dictionary was based on an educational purpose, that the first dictionaries were ancient school manuals, that they were created for educational purposes, and that later dictionaries became a separate genre away from textbooks and textbooks.

Keywords: dictionary, Uzbek language, communicative features, language, culture, commonality, lexicography

Нигматова Лолахон Хамидовна
кандидат филологических наук.
Доцент Бухарского
государственного университета.
nigmatovalolaxon@gmail.com

ВЫРАЖЕНИЕ ЯЗЫКА И КУЛЬТУРЫ В МИРОВОЙ УЧЕБНОЙ СЛОВАРИСТИКЕ

АННОТАЦИЯ

В статье поднимаются вопросы взаимосвязи языка и культуры в мировых образовательных словарях. Язык в форме устной и письменной речи собирает, сохраняет и передает следующему поколению образцы лексики, фразеологии, грамматики, художественной литературы о культурных и духовных богатствах народа. В процессе изучения языка, особенно родного, ученик изучает богатое культурное наследие и духовные ценности, которые передаются из поколения в поколение. В этом процессе, наряду с учебниками, важна роль различных школьных словарей, информационных банков, лексических минимумов. Так же в статье говорится о роли учебного словаря, о роли первых словарей

Ключевые слова словарь, узбекский язык, коммуникативные особенности, язык, культура, общность, лексикография.

Кириш. Замонавий тилшуносликда тилнинг маданият кўзгуси экани, унинг бутун борлиқнинг инъикоси экани ва олам манзарасини ўзида акс эттириши умумэтироф этилди. Ҳар бир тил ундан фойдаланувчи жамият аъзолари, тил соҳиблари мансуб миллатни характерловчи барча жиҳатларни ўзида жамлайди ва шу асосда тиллар, миллатлар бир-биридан ажратилади.

Асосий қисм. Тил оғзаки ва ёзма нутқ кўринишида халқ маданият, маънавий бойликларини лексикаси, фразеологияси, грамматикаси, бадиий адабиёт намуналарини тўплайди, сақлайди ва кейинги авлодга етказиб беради. Тилни, хусусан, она тилини ўрганиш жараёнида ўқувчи авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бой маданият мерос, маънавий қадриятларни ҳам ўзлаштириб боради. Бу жараёнда дарсликлар билан бирга турли мактаб луғатлари, ахборот банклари, лексик минимумларнинг роли муҳим.

Луғатлар – лингвистик манбаларнинг энг қадимий кўриниши. Улар соф амалий мақсадлар – нутқда қўлланадиган тушунарсиз сўзлар маъносини аниқлаштириш, изоҳлаш мақсадида, аниқроғи мактаб, таълим тушунчаси билан бир пайтда қадимги Шумерда миллоддан аввалги XXV аср, Хитойда XX аср, Ғарбий Европада VIII аср, Россияда II асрларда юзага келганлиги хусусида маълумотлар учрайди.

Машҳур рус лексикографи В.В.Дубичинский “Луғат – миллий маданият маҳсули ва феноменидир” [1, б.432] деб айтган эди. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қандай лексикографик асар муайян халқ цивилизациясининг маълум бир даражасидан гувоҳлик беради, у муайян даврда миллат дунёқарашининг фалсафий, сиёсий, диний, илмий-техник тараққий этиб бориш жараёнларини қайд қилади, тил ўрганиш асносида халқ маданияти, турмуш тарзи ва бошқа жиҳатлари хусусида қимматли маълумотларни ёзиб қолдиради.

Бугунги кунда дунё лексикографиясида луғатлар жамият маданияти, миллий ўзига хослиги, ҳаёти ва турмуш тарзини ўзида акс эттирадиган муҳим ижтимоий-сиёсий адабиёт сифатида танилиб улгурди. Шу боис сўнгги йилларда тилнинг лексик бирликлари маъносида тил ва маданият муштарақлиги ифодасини аниқлаш, турли тилларда сўз маъносида акс этган “маданият”лик белгисини ажратиш, тилда акс этган миллий маънавий қадриятларга хос белгиларни аниқлаш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Миллатнинг маданий даражаси жамиятдаги ҳар бир индивидуал шахс нутқида акс этади. Тил маданияти ҳар қандай жамиятнинг умумий маданиятини шакллантиради, унинг ривожланишига ҳисса қўшади, шахснинг жамиятдаги ўрнини белгилайди. Бугунги глобаллашув даврида ҳар қандай замонавий мутахассисдан касбий компетенция билан бир қаторда маълум бир маданий даража ва лингвомаданий компетентлик ҳам талаб этилмоқда. Таълим олувчиларда лингвомаданий компетентликни шакллантириш, умуман, лингвистик компетенцияларни ривожлантиришда “миллий маданият маҳсули ва феномени” сифатида қаралаётган луғатлар, хусусан, ўқув луғатларининг роли ниҳоятда муҳим.

Ўқув лексикографияси тил луғат қатламини ўқув мақсадида ўрганишнинг назарий ва амалий аспектиларини ёритишни мақсад қилиб олган лингвометодик йўналишдаги амалий фан бўлиб, амалда луғатчиликнинг энг қадимий соҳаси бўлса-да, назарий жиҳатдан ХХ асрнинг 70-80-йилларидагина тилшуносликнинг алоҳида янги бир тармоғи сифатида ажралиб чиқди. Дунёнинг тараққий этган қатор давлатлари, жумладан, Буюк Британия, Германия, Испания, Франция, АҚШ, Россия каби давлатларда бу соҳанинг тараққиёти давлат аҳамиятига молик масалага айланди. Ҳар бир мамлакат, ҳар бир тилда ўзига хос лексикографик анъаналар шаклланди. Европа ўқув масканларида бир неча асрлар давомида лотин тилини ўқитишда асосий восита бўлиб хизмат қилган Я.А.Коменскийнинг замонавий луғат-минимумларга тенглаштирилаётган “Тушунчалар олами расмларда” (Мир чувственных вещей в картинках) номли луғат-дарслиги негизида расмли ўқув мавзувий луғатлар сериясини яратиш анъанаси юзага келди. Рус ўқув лексикографияси машҳур ўқув изоҳли луғатлари, Америка ўқув луғатчилиги расмли изоҳли-энциклопедик ва комплекс луғатлари, немис ўқув луғатчилиги мавзувий луғатлари билан танилди, шу соҳада классик анъаналарни шакллантирди.

Ўз даврининг етук тилшунос, лексикограф ва педагоглари таълимнинг турли бўғинлари учун мўлжалланган ўқув луғатларини тузиш назарияси ва амалиётига жалб этилди. Бу соҳа тараққиётида С.Жонсон, Ж.Дюбуа, К.Дюбуа, Г.Маторе, Б.Кюмада, Я.Малкил, К.Д.Бак, С.Бархударов, П.Н.Денисов, Л.А.Новиков, В.В.Морковкин, В.Г.Гак, В.Крюк, В.В.Дубичинский, Т.Жеребило ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. [2]

Ўқув луғатининг асосида таълимий мақсад ётиши, яратилган илк луғатлар – антик мактаб қўлланмалари бўлганлиги, ўқув мақсадида яратилгани, кейинчалик луғатлар ўқув адабиёти, дарсликдан узоқлашиб алоҳида жанрга айлангани тадқиқотларда илмий асослаб берилди.

Ўқув лексикографиясининг асосий вазифаси тилни ўрганишнинг лексикографик таъминотини яратиш бўлиб, унинг етакчи йўналишлари ўқув луғатлари ва луғат типидagi лексик қўлланмаларни яратиш назарияси ва амалиётидан иборатдир. В.В.Морковкин томонидан “ўқув лексикографияси”га “асосида тил лексикасини ўқув мақсадида ўрганишнинг назарий ва амалий аспектиларини ёритишни мақсад қилиб олган лингвометодик йўналишдаги амалий фан” [3,б.37] (“Учебная лексикография – это прикладная лингвометодическая дисциплина, содержанием которой являются теоретические и практические аспекты описания лексики в учебных целях”), “ўқув луғати”га эса “тил ўрганишда ўз фикрини баён қилиш ва ҳар қандай ахборотни идрок этишга қўмак бериш учун махсус ишлаб чиқилган ҳар қандай жанр ва ҳажмдаги лексикографик иш” [4, б.64] (учебный словарь – это “лексикографическое произведение любого жанра и объема, специально предназначенное для оказания помощи в изучении языка как средства передачи своих и восприятия чужих информационных состояний”) деган таъриф берилди.

Лексикографияда ўқув луғатлари ўқув мақсадига йўналтирилгани ва таълим воситаларидан бири, дарсликка яқинлиги билан луғатларнинг алоҳида турини ташкил қилади. Сўзликнинг тузилиши, сўз танлаш мезонлари, луғат материалларининг жойлаштирилиши, лингвистик маълумотни тақдим этиш ва изоҳлаш усуллари, материални тақдим этиш тили, ҳажми, дизайни ва бошқалар ўқув луғатини характерловчи белгилар ҳисобланади.

Ўқув луғатларини тавсифлашда унинг функционал йўналиши – вазифалари муҳим рол ўйнайди. П.Н.Денисов “Биз ўқув луғатини сўзлик ва тўртта вазифа – ўқув, маълумот бериш, меъёрлаштириш ва системалаштириш вазифасини бажаришга хосланган минимал лексик система деб ҳисоблаймиз” [5, б210], – дейди (“учебным словарем мы считаем лишь такой словарь, в котором минимальная лексическая система, составляющая его словник, в состоянии выполнить 4 функции: учебную, справочную, нормативную и систематизирующую”).

В. Перебийнис ўқув луғати тоифасига кирувчи восита куйидаги талабларга жавоб бериши шарт деб ҳисоблайди:

- 1) ўқув луғати тил ўрганишининг муайян босқичи ўқув дастурига мос келиши керак;
- 2) луғат мақоласи қисқа, содда, тушунарли, фойдаланувчилар учун қулай бўлиши керак;
- 3) сўзлар рўйхати уйғунлигига катта эътибор бериш керак;
- 4) луғатда таълимнинг ушбу босқичи учун зарур бўлган ахборотларни тўлдирадиган етарлича иловалар бўлиши керак.[6,б.82]

Ўқув луғати таълим олувчининг фақат муайян фан бўйича билимларини мустаҳкамлаш учун эмас, унинг шахс сифатида камол топиши, нутқи, дунёқарашини ҳам шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўқувчининг ёши, руҳий-психологик ҳолати, физиологик тараққиёти, миллати, эътиқоди, маданияти, миллий қадриятлари, урф-одатлари, ўзи яшаётган мамлакат табиати, иқлими, ҳайвонот олами, умуман, уни қуршаб турган олам билан ҳаммуносабат боғланиши; таълим олувчининг онгида илк ёшларидан бошлаб оламнинг лисоний манзарасини чизишда ёрдам беради.

Ўқув лексикографияси масалалари устида сўнгги йилларда изланишлар олиб борган Т.Жеребило ҳар қандай луғатнинг таълим бериш ва инсон шахсини ривожлантириш воситаси сифатида ўқув, таълимий, тарбиявий, интеллектуал ривожлантириш билан боғлиқ асосий вазифаларни бажариши, ўқув луғатлари эса ушбу универсал функциялар билан бир қаторда маълумот бериш, ахборот узатиш, тизимлаштириш, меъёрлаштириш, мотивлаш каби махсус функцияларни ҳам бажаришини таъкидлайди. [7, б.363]

Ф.Годен ва Ж.Л.Геспеннинг таъкидлашича, ўқув луғати фойдаланувчининг бир вақтда уч аспектда: социолингвистик (қандай гапириш), меъёрий (тўғри гапириш) ва когнитив (таълимий) ахборот олишини таъминлашдан иборат миссияни бажаради [8, б.41]. Луғатнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, у нафақат нутқий компетенцияни ошириш учун хизмат қилади, балки шахснинг ҳар томонлама камол топишида муҳим рол ўйнайди.

Жаҳон лексикографиясида луғатда маданийлик белгисининг акс этиши масаласи В.П.Берков томонидан махсус ўрганилган бўлиб, олим кўп ҳолларда икки тилли таржима луғатларида миллий маданий белгиларнинг акс этишига лингвомамлакатшунослик нуқтаи назаридан ёндашган эди [9, б 407]. В.П.Берковнинг ўқув луғатчилиги тавсифига тўла мос келадиган “фойдаланувчи манфаатларига зиён келтирмаган ҳолда катта маълумотни кичик ҳажмда бериш” [10, б.248] (“максимум информации на минимуме места – без ущерба для интересов читателя”) ғояси ҳозирга қадар лексикографларнинг диққатини тортиб келади. Икки тилли луғатлар олдига қўйиладиган асосий талаб ҳам ихчам жумлаларда тил соҳибининг ижтимоий, сиёсий ҳаёти, маданий, маънавий, диний қадриятларига алоқадор барча жиҳатларни имкон қадар катта қўламда акс эттириш билан боғлиқ. Сабаби, тил орқали тил эгалари мансуб миллатнинг маданияти, маънавияти, тарихи ўзлаштирилади.

Бугунги кунда луғатлар, хусусан, ўқув луғати тоифасига мансуб луғатларининг лексикографик таҳлили лингвомамлакатшунослик ва лингвомаданиятшуносликнинг замонавий муаммоларини ўрганиш билан бир қаторда бир тилли луғатларда шу тил мансуб бўлган миллат маданияти, маънавий қадриятлари, эътиқоди, урф-одатлари билан боғлиқ масалаларни миллий маданий асосда тадқиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда.

В.В.Дубичинский луғатни бир пайтда маданий асар ҳам экани, унда муайян жамиятнинг маълум тарихий тараққиёт давридаги илм-фани ютуғи ҳам акс этишини таъкидлайди. “Яхши луғат, – дейди у, – худди бадиий ёки мусиқа асарлари каби инсон онги,

ақл-идрокини тараққий эттирувчи, шакллантурувчи восита сифатида халқ тарихига киради” [11, б 432] (“В то же время словарь сам предстаёт произведением культуры, достижением науки данного общества в определённый период исторического развития. Хороший словарь входит в историю народа как откровение, создание человеческого духа подобно произведениям изобразительного искусства или музыки”).

Умумий луғатлардан фарқли равишда ўқув луғатининг ҳар қандай турини, имло луғатими, талаффуз луғатими, изоҳли луғатми – барчасини миллий маданият маҳсули сифатида қараш мумкин. Сабаби, ўқувчи ўқув луғатига, одатда, тўғри гапиряпманми, сўзни ўз ўрнида қўлладимми, тўғри таржима қилдимми, муқобилини тўғри ишлатдимми, тўғри ёздимми деган саволлар билан мурожаат қилади. Ўқув луғатига соф миллий маданият маҳсули сифатида қарашнинг яна муҳим бир сабаби шуки, у бир пайтда нутқ маданияти бўйича қўлланма вазифасини ҳам ўтай олади.

Ўзбек ўқув луғатчилиги соҳасида изланишлар олиб борган Б.Баҳриддинованинг фикрига кўра, “Ўқув луғатлари адресат (фойдаланувчи) ва тиллар сони (бир тилли ёки кўп тилли), тилнинг сатҳлари – фонетик (фонологик), морфемик, сўз ясалиши, лексик, фразеологик, морфологик, синтактик жиҳатларига доир маълумотларни қамраб олишига кўра фарқ қилади. Ўқув луғати хусусиятини белгиловчи мазкур вазифалар луғат туридан келиб чиқиб баъзиларида етакчи, баъзиларида пассив бўлиши мумкин. Масалан, имло, тўғри талаффуз ўқув луғатларида меъёрлаштириш вазифаси, ўқув изоҳли луғатларда маълумот бериш вазифаси етакчилик қилиши мумкин” [12, б 212]. Тил ва маданият муштараклиги тил лексик сатҳи бирликлари акс этган луғатлар, жумладан, ўқув энциклопедик, ўқув изоҳли, ўқув фразеологик луғатларда яққол ифодасини топади.

Н.Б.Мечковская луғатни жамиятнинг маданий қиёфасини шунчаки лингвистик акс эттирмай, у ҳақда маълумот ҳам беришига диққатни қаратади: “Агар луғат маданият кўзгуси бўлса, меъёрий-услубий тизим – унинг рентгендаги тасвиридир”. [13, б. 59]

Маълумки, жаҳон ўқув луғатчилиги, қолаверса, ўзбек ўқув луғатчилигининг илк намуналари кўпқиррали, комплекс луғат характериға эга бўлиб, уларнинг ҳар қандай кўриниши, албатта, изоҳга эга бўлган. Шу билан бирга аксарият илк луғат намуналари ва улар устида олиб борилган изланишлар луғатчиликнинг юзага келишига илоҳий китоблар ёзилган тилни ўрганиш, муқаддас китоблар матнидаги маъноси тушунарсиз сўзларни шарҳлаш, аниқроғи, маънавий қадриятлар, динни ёйиш эҳтиёжи сабаб бўлганлигидан гувоҳлик беради. Жумладан, айни пайтда энг тараққий этган инглиз луғатчилигининг тарихий илдизлари Англияда насронийлик кенг ёйилган давр – VI-VIII асрларга бориб такалади. Бу даврда Ғарбий Европада лотин тили халқаро тил ҳисобланиб, давлатлараро муносабатлар, таълим, фан, расмий-идоравий муносабатларда ундан фойдаланилган. С.В.Лебедева роҳиблар “Инжил”ни ўқишни енгиллаштириш мақсадида маъноси тушунарсиз лотинча сўзларнинг англосаксон тилидаги муқобили рўйхатини тузганлари ва уларга қисқача изоҳлар ёзгани, вақт ўтиши билан ушбу лотинча сўзларнинг англосаксонча муқобили ёки лотинча маънодоши рўйхати глоссарийлар деб юритила бошлагани, бу эса диний асарлар, лотин тилидаги илмий адабиётлар матнини тушунишга ёрдам берувчи шу типдаги луғатларни яратиш анъанасини бошлаб берганини таъкидлайди. [14, б.11]

Шарқ луғатчилиги, хусусан, араб луғатчилигининг юзага келишига ҳам маънавий, ижтимоий-сиёсий эҳтиёж – араб бўлмаган кишиларнинг Муқаддас Қуръон матнини тўғри талаффуз қилиш, тушунишга ўргатиш, умуман, ислом динини ёйиш зарурати сабаб бўлади. Халифалик остидаги элатлар тили, урф-одати, маданияти билан фарқланиб, уларни бошқаришда ҳам умумий тил бирлигига эга бўлиш муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эди [15]. Таниқли лексикограф В.В.Дубичинский ҳам араб илмий лексикографиясининг юзага келишига XVII асрда ислом динининг муқаддас китоби “Қуръон”даги сўзларни изоҳлаш, тушуниш эҳтиёжи сабаб бўлганини таъкидлайди.[16, б. 14]

Араб тили анъаналари асосида араб тилида ёзилган илк луғатлар, жумладан, Халил ибн Аҳмад Фароҳидий (718-791) томонидан VIII аср охирларида ёзилган араб тилидаги илк луғат “Китобул-айн”, Сибавайҳийнинг “Ал китоб” луғат-грамматикаси, Абу Наср Исмоил ал

Жавҳарийнинг “Саҳиҳ” луғати, Абу Райҳон Берунийнинг 1048 йилда яратилган “Сайдана” асари, XIV аср охирларида шерозлик Ферузободий (1329-1414) томонидан ёзилган 60 жилдлик “Қомус” (Океан), шунингдек, XI асрга оид илк туркий луғат М.Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Маҳмуд Замаҳшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб” асарлари ҳам бевосита ислом оламининг асосий расмий тили – араб тилини ўрганиш эҳтиёжи билан юзага келган. Мазкур луғатларнинг барчаси семантизация жараёнида шу даврга мансуб халқ оғзаки ижоди намуналари, турли ижодкорларнинг асаридан парча келтирилгани, грамматикага кенг ўрин берилгани, шу билан бирга луғат яратилган ҳудуд табиати, иқлими, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, географияси билан боғлиқ маълумотлар ҳам қамраб олингани билан характерланади.

Замонавий ўқув луғатларига бугунги кунда антропоцентрик луғат деб қаралмоқда. Антропоцентрик луғат – инсон учун яратилган луғат; унинг асосий вазифаси инсоннинг коммуникатив, когнитив, маданий ва бошқа ижтимоий талабларини қондириш, онгида оламнинг лисоний манзараси ҳақида тасаввурлар ҳосил қилишдан иборат.[17, б. 132]

В.В.Дубичинский мутахассисларда ўқув луғатчилиги соҳасини ажратиш ёки ажратмасликка доир мавжуд хилма-хил қарашларни таҳлил қилар экан, мавжуд иккиланишларга қуйидагича нуқта қўяди: “Ўқув луғатчилигининг тадқиқ соҳасини уч тизимга мансуб бўлган уч координатли майдон – лингвистик, психологик ва социологик мезонларга асосланган тизим сифатида белгилаш мумкин” [18, б. 336]. Ўқув луғатларига бундай ёндашув, ўз ўзидан, унинг инсонни ҳар томонлама қамраб олувчи восита – антропоцентрик луғат эканини кўрсатади.

Антропоцентризм (юнон. Anthropos – инсон + лот. centrum – дунёқараш) – марказида инсон турувчи маданий ижод принципи[19] бўлиб, жаҳон ўқув лексикографиясининг бугунги тараққиёти замонавий антропоцентрик ўқув луғатларини яратишда тил – маданият – шахс феноменини ажралмас учлик сифатида ифодаланишига диққат қаратмоқда [20, б. 355]. Ушбу ўзига хос мураккаб тушунчаларнинг уйғунлиги ёки улардан бирининг кучсизланиши луғат сифатига таъсир этади, луғат ўз олдига қўйган мақсадига тўла эриша олмайди.

Л.К.Муллағалиева рус тилини она тили ва хорижий тил сифатида ўрганаётган ўқувчилар билан “Рус маданияти реалиялари” ўқув луғати устида мавжуд ҳолатни ўрганиш, луғат воситасида лингвомаданий компетенцияларни шакллантириш ва натижани назорат қилишдан иборат уч босқичли тажриба олиб боради. Дастлабки тажриба таълим олувчиларнинг тил лексик бирликларининг миллий-маданий ўзига хослигини билиш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилиб, сўровномада иштирок этган респондентлар тил билиш даражасига кўра турли гуруҳларга ажратилади. Тажриба натижасига кўра респондентларнинг жами 37,8 фоизда этнолингвомаданий компетенция шаклланганлиги кузатилади. Тадқиқотчи халқ тарихи ва маданиятидан хабардор бўлган маънавий етук шахсни тарбиялаш учун этнолингвомаданий компетенцияни шакллантириш усулларини такомиллаштириш устида ишлаш керак деган хулосага келади ва экспериментнинг иккинчи босқичи – она тили (рус тили) машғулотларида дарслик билан бирга лингвомаданий характердаги ўқув луғатлари устида ишлашни йўлга қўяди. Ўтказилган тажриба-синов натижалари ўқув луғати билан ишлаш жараёнида ўқувчиларда лингвомаданий компетенцияларнинг шаклланганлиги 88,9%га еганини кўрсатади. [21, б. 26]

Л.К.Муллағалиева ўз тадқиқотида “рус тилини ўқитиш она тили (рус тили – Л.Н.)да сўзлашувчиларнинг маданиятини ўзлаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Бу уни ўқитишнинг услубий тизимини такомиллаштириш ва мактаб предметлари таркибига тўғридан-тўғри лексик бирликларнинг миллий-маданий томонларини ўргатиш учун хизмат қиладиган воситаларнинг киритилиши билан боғлиқ” деб таъкидлайди. У ўтказилган тажрибалари асосида ўқувчилар тадқиқотининг асосий объекти бўлган “Рус маданияти реалиялари” ўқув луғатига мурожаат қилишга мажбур бўлиши учун рус тили (она тили) дарсликларига “Именины – день ангела”, “Рождество”, “Каша в традиционном русском быту” сингари халқ миллий маданий ҳаёти билан алоқадор мавзулар киритилиши лозим деб ҳисоблайди

Ўқув луғатларида тил ва маданият муштараклиги жаҳон ўқув луғатчилиги, хусусан, рус ўқув луғатчилигида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Юқорида айтилганидек, ўқув луғатининг ҳар қандай турида, айниқса, изоҳ типли луғатлар, жумладан, фразеологик, этимологик, энциклопедик луғатлар, ўқув луғатларининг нисбатан янги кўринишлари бўлган ассоциатив луғатларда миллий маданият ифодаси яққол акс этгани кузатилади.

Айни пайтда жаҳон ўқув лексикографиясида ассоциатив ўқув луғатларини яратишга эътибор кучайган. Ассоциатив луғатлар тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги психологик тасаввури, лисоний тафаккури ва хотираси асосида яратилувчи янги типдаги луғатлар бўлиб, муайян тилдаги ассоциатив муносабатли лексик бирликлар, уларнинг инсон хотирасида шаклланган уялари, ассоциатив бирликларнинг лексик-семантик, лингвوماданий, социолингвистик, гендерологик, прагмалингвистик хусусиятлари ҳақида маълумот беради.[22, б. 96]

Ассоциатив грамматика асосчиси Ю.Н.Караулов ассоциатив луғатларга лексик бирликлар ва уларнинг ассоциатларига хос лингвистик хусусиятлар ҳақида кенг қамровли билим берувчи луғат сифатида қарайди. У муайян тилнинг барча имкониятларини намоёниш этувчи бу типдаги луғатларни тўғридан-тўғри “луғат-дарслик”, “луғат-грамматика” деб таърифлайди [23, б. 5]. Олим рус тили ассоциатив-вербал тармоғида жамланган билимларни уч қисмга ажратади:

а) тил эгалари хотирасига олам манзараси тасвирини келтирувчи экстралингвистик билимлар;

б) ассоциатив-вербал тармоқда лисоний онгнинг намоён бўлиши;

в) тилнинг грамматик қурилиши ва луғат таркиби. [24, б 191]

Ассоциатив луғатларнинг энг муҳим белгиси ўзида фақат лингвистик билимларни эмас, тил эгаларининг ўзини қуршаб турган оламдаги барча нарса, воқеа, ҳодисалар – ижтимоий ҳаёт, маданият, санъат, адабиёт, ҳаёти давомида мулоқот ва муносабатда бўладиган ҳар қандай тушунчалар билан боғлиқ тилдан ташқаридаги экстралингвистик маълумотларни ҳам қамраб олади.

Рус тилида таълимнинг турли бўғинларида таҳсил олувчилар учун яратилган ўқув ассоциатив луғатларнинг асосий муаллифларидан бири Е.Ф.Тарасов мулоқотнинг самарали, муваффақиятли бўлиши суҳбатдошларнинг ўзаро ҳамфикрлигига асосланган суҳбат муҳити билан боғлиқ эканини таъкидлайди ва бундай муҳитни юзага келтиришда ассоциатив луғатларнинг роли муҳим деб ҳисоблайди.[25, б.7]

Ўзбек тилида шу йўналишда илк изланишларни олиб борган олима Д.Лутфуллаева ассоциатив луғатларда халқ маданиятининг бошқа лингвистик луғатларда қайд этилмаган ўзига хос қирралари ҳам акс этишини таъкидлайди: “Ассоциатив луғатлар тил эгаларининг ижтимоий-тарихий хотираси ичига киришга имкон берувчи луғатлар ҳисобланади. ... ўқувчида маълум даврдаги муайян тилнинг лексик қатлами, унинг таркиби ҳақида яхлит тасаввур уйғотишга хизмат қилади. Тил шунчаки тасвирловчи “иллюстратив материал” бўлмай, тил ва инсон, тил ва жамият, тил ва руҳият, тил ва маданият, тил ва илм-фан, техника муносабати кабилар ҳақида тасаввур ҳосил қилувчи ... манба саналади”. [26, б.97]

Е.Ф.Тарасов, В.В.Дронов ва Е.Ощепковаларнинг 2017 йилда нашр этилган “Рус тилининг ўқув ассоциатив луғатини ҳам изоҳли, ҳам ассоциатив характердаги замонавий комплекс ўқув луғатларининг мукамал намунаси сифатида тил, маданият, маънавий муштараклиги ифодасини ўзида тўла намоён қила олган луғат дейиш мумкин. Рус тилини она тили, шунингдек, хорижий тил сифатида ўрганувчилар учун мўлжалланган мазкур луғатда рус тилида энг кўп ишлатиладиган 155та стимул сўз ва унга 2000га яқин жавоб реакцияси берилган. Сўзлик 15та мавзувий гуруҳ – “Инсон”, “Оила”, “Инсоннинг ташқи қиёфаси”, “Теварак-атрофдаги нарса ва предметлар”, “Табиат”, “Вақт”, “Маънавий қадриятлар”, “Ҳис-туйғу ва ҳолат”, “Муносабатлар”, “Ақлий қобилият”, “Гуллат”, “Сифат”, “Белгилар”, “Ҳаракат”, “Этикет”га ажратилган.

Луғат ҳам изоҳли, ҳам ассоциатив луғат бўлганлиги сабабли ҳар бир стимул-сўз аввал изоҳланган, кейин ассоциатив майдони берилган:

БАБУШКА

Сущ. (кто?) ж.р., мн.ч. бабушки.

I. Мать отца или матери по отношению к детям своих детей, внукам: Моя бабушка. У меня две бабушки.

II. Пожилая женщина: На скамейке сидят бабушки. Бабушка, давайте я вам помогу.

Бабуся, бабусенька; бабуля, бабулечка (разг., ласковое).

Бабка, баба (просторечное): Баба Люба, помоги мне!

дедушка

старая

добрая

любимая

моя

родная

старушка

деревня

внук

внучка

надвое сказала

очки

взять

пирог

Яга

Ҳар икки луғат мақола ўрганилаётган тил ва шу тил эгаси бўлган халқ маданияти билан танишиш учун лингвистик муҳит яратишга хизмат қилган [27]. Масалан, **БУВИ** стимул-сўзи ва унга берилган изоҳ ҳамда жавоб реакцияларидан иборат бўлган ассоциатив майдонни кузатамиз:

Кўпгина миллатларда кузатилгани каби рус тилида ҳам **БУВИ** стимул-сўзига қўлланиш частотаси энг юқори бўлган ассоциат (жавоб реакцияси) бобо ва кекса лексемаларига тўғри келгани кузатилади:

дедушка

Я у **бабушки** живу, я у **дедушки** живу... (И.Шаферан)

старая

Моя **бабушка** совсем не **старая**.

Жумладан, ўзбек халқида ҳам **БУВИ** стимул-сўзининг ассоциатив майдонида унинг лексик-семантик жиҳатдан уядоши бўлган бобо, кекса лексемаси қўлланиш частотасига кўра юқори ўринни эгаллайди. Шунингдек, қўлланиш частотаси камайиб боришига кўра бобо, кекса, меҳрибон, севимли, туғишган, қария, қишлоқ, набира, “ё бўлади, ё бўлмайди”, кўзойнак, тўқиш, пирог, блинчик, Яга ассоциатлари орасида айнан миллий-маданий ўзига хослиги билан ажралиб турувчи реакциялар ҳам мавжуд.

Фикримизни жавоб реакциялари орасида мавжуд “бабушка надвое сказала” прецедент бирлигида шу миллат вакиллари турмуш тарзи, маданиятига хос семалар ифодаси мисолида асослаймиз. Прецедент бирликлар лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объектларидан бири бўлиб, тилшуносликда биринчи марта Ю.Н.Караулов томонидан олиб қилинади. О.Е.Артемова прецедент жанр кўринишлари – прецедент ном, прецедент жумла, прецедент матнларни маданий ахборотнинг “аккумулятори” деб атайди. . Улар ўзида муайян миллат тил эгаларига хос бўлган лисоний хотирани акс эттиради.

“бабушка надвое сказала” жумласи рус миллатига мансуб кишиларнинг лисоний хотирасида “ё бўлади, ё бўлмайди”, “бўлиш-бўлмаслиги гумон” маънолари билан сақланадиган, нутқий фаолиятда “бувим айтганидек, бўлиш-бўлмаслиги гумон”, умуман, икки хил маънода ишлатиладиган турғун бирлик сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, **БУВИ** стимул-сўзининг ассоциатлари қаторидаги тўқиш, пираги, билины, баба Яга каби жавоб реакцияларида ҳам рус миллати вакилларининг миллий менталитети билан боғлиқ миллий, маданий семалар намоён бўлгани кузатилади:

Там ступа с **бабаю Ягой**

Идёт, бредёт сама сабой. (А.Пушкин)

Хулоса. Шунингдек, луғатда **КЎЗ** стимул-сўзига қўлланиш частотаси ўнг юкори бўлган кўк, жигаранг (рус миллатига хос белги) ассоциатларининг келтирилиши, **БОБО** стимул-сўзига Мазай (“Дед Мазай”, Н.А.Некрасов шеърлари қаҳрамони), **АМАКИ** стимул-сўзига Стёпа (“Дядя Стёпа”, С.Михалков шеърлари қаҳрамони), Ваня (“Дядя Ваня”, А.П.Чехов пьесаси қаҳрамони) прецедент номлари, **БОЛА** стимул-сўзига шу миллатга мансуб болалар хотирасига муҳрланган машхур “Кот Леопард” мультсериали қаҳрамони меҳрибон ва ақли мушук Леопард нуткига мансуб “Болалар, келинг аҳил яшайлик! (“Ребята, давайте жить дружно”) гапи таъсирида юзага келган “давайте жить дружно!” прецедент жумласини мисол сифатида келтирилиши луғатнинг тил соҳибларига хос миллий, маданий жиҳатларни акс эттирганидан далолат беради.

Ҳар қандай миллий маданиятида прецедент бирликлар кузатилиб, ассоциатив ўқув луғатларида уларнинг турли кўринишларини учратиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб. пособие / Дубичинский В.В. – М.: Наука: Флинта, 2008. – 432 с.
2. Jonson S. The plan of a Dictionary of the English Language. L. 1747, p.4-5; Dubois J. Dictionnaire et discours didactique. – “Langages”, P/1970, p. 42-42; <http://pageperso.lif.univ-mrs.fr/~paul.sabatier/Dictionnaires-Dubois.pdf> (Paul Sabatier über die elektronischen Wörterbücher der beiden Dubois, französisch); [https://en.wikipedia.org/wiki/Jean_Dubois_\(linguist\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Jean_Dubois_(linguist)); Matore G. Histoire des dictionnaires français. Paris, LAROUSSE, 1968, 278 p.; Quemada B. Les Dictionnaires du français moderne. 1539-1863. P., 1968.; Malkiel J. Distinctive features in lexicography: A typological approach to dictionaries. Pomance Philology, vol. XIII., No.2. Nov., 1959.; Buck C.D. A Dictionary of selected synonyms in the principal Indo-European languages. Chicago, 1949.; Денисов П.Н. Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии. М., 1974.; Денисов П.Н. Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии. М., 1974.; Денисов П.Н. О конструктивном подходе к созданию системы учебных словарей русского языка для иностранцев // Яшкы jazyk, 1977, №1, с. 8-13.; Денисов П.Н. Принципы отбора лексики для учебных словарей // Вопросы учебной лексикографии/ Под ред. П.Н.Денисова и Л.А.Новикова. М., 1969.; Денисов П.Н., Морковкин В.В., Новиков Л.А. Проспект учебного словаря сочетаемости слов русского языка. М., 1971. Денисов П.Н. Основные проблемы теории лексикографии. Автореф. дис. ... д.ф.н. – М.: АН СССР, Ин-т рус. яз., 1976. – 43 с.; Новиков Л.А. Учебная лексикография и её задачи // Вопросы учебной лексикографии / Под ред. П.Н. Денисова и Л.А. Новикова. М.: Изд. МГУ, 1969, с.3-11.; Морковкин В.В. Идеографическое описание лексики (анализ слов со значением времени в русском языке). Автореф. дис. ... к.ф.н. – М.: Изд-во ун-та Дружбы народов им. П. Лумумбы. - 1973. – 24 с.; Морковкин В.В. Основы теории учебной лексикографии: Дисс... д-ра. филол.наук. (в форме научного доклада). М. – Институт русского языка им. А.С.Пушкина, 1990. 72.с.; Морковкин В.В. К вопросу об учебном тематическом словаре// Русский язык в национальной школе.- 1970.- №2.; Морковкин В.В. Опыт идеографического описания лексики (анализ слов со значением времени в русском языке).-М.: Изд. Моск. ун-та, 1977.-166 с.169.; Морковкин В.В. Учебная лексикография как особая лингвометодическая дисциплина // Актуальные проблемы учебной лексикографии. М.: Русский язык, 1977, с.28-37.; Морковкин В.В., Сафьян Ю.А., Степанова Е.М. и др. Лексические минимумы

- современного русского языка. /Под ред. В.В. Морковкина. -М.: Русский язык, 1985. 608.; В.Г.Гак. Общие вопросы учебной лексикографии. М.: Русский язык. 1977.;
3. Морковкин В.В. Учебная лексикография как особая лингвометодическая дисциплина / В.В. Морковкин // Актуальные проблемы учебной лексикографии: Сб. ст. / Сост. В.А. Редькин. – М.: Рус. яз., 1977. – С.37.
 4. Кочнева Е. Учебная лексикография и методика: характер взаимодействия / Е. Кочнева, В. Морковкин // Русский язык за рубежом. – 2003. – № 2. – С. 64.
 5. Денисов П.Н. Лексика русского языка и принципы его описания. – М., Русский язык, 1993. – 248 с. С.210-211.
 6. Перебийніс В.І. Анатомія англо-українського навчального словника-мінімуму / В.І. Перебийніс // Вісник Київського національного лінгвістичного університету. Сер.: Філологія. – Т. XII, №1. – К., 2009. – С.82
 7. Жеребило Т.В. Функционально-стилистический инвариант в учебной лексикографии / Т.В.Жеребило. – Назрань: Пилигрим, 2005. – 363 с.
 8. Gaudin F., Guespin L. Initiation à la lexicologie française. Paris, Editions Duculot, 2000. – 41-б
 9. Берков В.П. Словарь и культура народа. В кн.: Мастерство перевода. – М.: Сов. писатель, 1975 – с. 407-420. – С.418
 10. Берков В. П. Двухязычная лексикография. СПб.: Изд-во СПбГУ, 1996. – 248 с.
 11. Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб. пособие / Дубичинский В.В. – М.: Наука: Флинта, 2008. – 432 с.
 12. Бахриддинова Б.М. Ўзбекистонда ўқув луғатчилиги: тарихи, лингвистик асослари ва тараққиёт тамойиллари: филология фанлари доктори (DSc) дисс. – Тошкент, 2020. – 212 б.
 13. Мечковская Н.Б. Социальная лингвистика. – М., 1996. С.58-59.
 14. Лебедева С.В. Учебные словари различных типов в культурологическом аспекте. (На материале британских справочников): Автореф. ... канд. филол. наук. Иваново, 2005. – С.11.
 15. Нурмонов А. Ўзбек тил шунослиги тарихи. Ўқув кўлланма. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2002 й.
 16. Дубичинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография // Wiener slawistischer almanach. Sonderband 45. – Вена; Харьков, 1998. 160 с. – С.14
 17. Морковкин В.В. Антропоцентрический versus лингвоцентрический подход к лексикографированию // Национальная специфика языка и её отражение в нормативном словаре. – М., 1988а. С. 132–133.
 18. Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб. пособие / Дубичинский В.В. – М.: Наука: Флинта, 2008. – 432 с. – Б.336
 19. Большой толковый словарь по культурологии. <http://cult-lib.ru/doc/dictionary/culturology-dictionary/fc/slovar-192-4.htm#zag-75>
 20. В. В. Воробьев, Е. А. Морозкина, Ф. Г. Фаткуллина. Триада язык – культура – личность как основа современной лингвокультурологии. Вестник Башкирского университета. 2016. Т. 21. №2 355 С.355-359.
 21. Караулов Ю.Н., Сорокин Ю.С., Тарасов Е.Ф., Уфимцева Н.В., Черкасова Г.А. Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – Москва, 1994. – С.5-8.
 22. Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. –М., 1994. – С.191-218.
 23. Тарасов Е. Ф. Межкультурное общение – новая онтология анализа языкового сознания // Этнокультурная
 24. специфика языкового сознания / отв. ред. Н.В.Уфимцева. – М.: ИЯ РАН, 1996. – С. 7-22.

25. Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. Тошкент, MERIYUS, 2017. –140 б.– Б.97-98
26. Тарасов Е.Ф., Дронов В.В., Ощепкова Е.С. Учебный ассоциативный словарь русского языка. СПб. Златоуст, 2017., 356 с.
27. Қаранг: Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос.ун-т , 2002. – 24 с.
28. Артемова О.Е. Лингвокультурная специфика текстов прецедентного жанра “лимерик”: На материале английского языка: Дис... канд. филол. наук. – Уфа: БашГУ, 2004. – С. 24.